



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI



OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF EDUCATION
AND SCIENCE



OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF EDUCATION
AND SCIENCE



OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF EDUCATION
AND SCIENCE



OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF EDUCATION
AND SCIENCE



BUXORO

THE SIGNIFICANCE OF BUKHARA IN THE ISLAMIC CIVILIZATION

INTERNATIONAL SCIENTIFIC- PRACTICAL ONLINE CONFERENCE



28-29 May. 2020
Bukhara

кунда тарбия тизимининг назарий асосга эга эмаслигида. Тарбия тизимининг назарий асоси шарқона ва миллий кадриятлардан ташкил топган бўлиши керак. Шундай қилингандагина, мутафаккирларимиз орзу қилган комил инсонни шакллантиришда муҳим кадам қўйган бўламиз. Тарбия назарий асосга эга бўлгандагина қудратли кучга айланади. Демак, биз учун фарзанд тарбияси борасида маънавий асос бор. Тарбияга мустаҳкам пойдевор қўйилган бўлса, салбий таъсирларга берилиш ҳоллари шунчалик камайиши табиий. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай дейди: “Энг катта мерос- бу яхши тарбия”.

Дарҳақиқат, биз бетарор тарихга эга бўлган, дунёни хайратга солган улуг мутафаккирларнинг ворисларимиз. Ворислик- ўтмиш билан келажак ўртасидаги тараққиёт қонунидир. Кадриятларни ўрганиш ўзиникини англаш жараёни билан бошланади. Диний кадриятларни замонавий, дунёвий билимлар билан уйғулаштириш керак. Кадриятлар бебаҳо мулк. Ана шу беназр хазинадан ёшларни бахраманд этиш нафакат бугуннинг вазифаси, балки абадий зарурият ҳамдир. Мукаддас динимизга соғлом ва муътадил муносабатни шакллантириш- бу борадаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Инсоннинг мавжудлиги унинг жисмонан борлиги эмас, балки маънавий бой эканлиги билан белгиланади. Маънавиятли инсонлар жамият тараққиётига ҳисса қўша олади. Шу билан, ўз Ватани ва халқи манфаатлари йўлида хизмат қиладиган инсонларга эҳтиёж катта. Зеро, “Ватанини севиш иймондандир”, дейиладиган ҳадиси шарифда. [5.26] Соғлом авлодни шакллантириш ижтимоий педагогик муаммо сифатида ҳал қилинаётган, давлатнинг устивор сиёсатида айланган ислохотлар ичида муҳим ўрин тутувчи жараёндир. Бу борада Куръони Карим, ҳадислар, алломаю, донишмандларнинг маънавий мероси, халқнинг беназр ижоди, ёзма манбалар битмас-туганмас хазина ва ёш авлодни ҳар томонлама камол топган инсонлар қилиб тарбиялаш бобига бениҳоят қимматли қўлланмалардир.

Хулосалардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар тавсия этилади:

-маънавий меросимизнинг асоси бўлган ҳадис илми баркамол авлодни шакллантиришда энг таъсирчан манба бўлиб, жамият маънавиятини юксалтиришга асос бўлади;

-ушбу мукаддас манба турли диний-экстремистик таъсирлардан ҳимоя қилиш воситаси сифатида бутун инсониятни ташвиш ва хавотирга солаётган муаммоларни ечиш йўлларида биридир;

-Куръони Карим ва ҳадис сабоқларида яхши маълумотга эга бўлиш таълим-тарбияга мақсадли ёндашишнинг энг муҳим ва асосий омилларида биридир;

-таълим муассасаларида ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятларга сарфат руҳида тарбиялаш борасида улуг сиймоларимизнинг одоб-ахлоқни шакллантириш ҳақидаги таълимотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармони.
2. Ал-Бухорий. Ҳадис. Тошкент, “Қомуслар бош таҳририяти”, 1-жилд, 1991 йил.
3. Ал-Бухорий. Ҳадис. Тошкент, “Қомуслар бош таҳририяти”, 2-жилд, 1996 йил.
4. Ал-Бухорий. Ҳадис. Тошкент, “Қомуслар бош таҳририяти”, 4-жилд, 1992 йил.
5. А. Мансуров, У. Жўраев, М. Лафазов. Ҳадис илми сабоқлари. Тошкент, “Ғафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1999 йил.

“МАОРИЖУН-НУБУВВАТ” АСАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Аҳтам Аҳмедов - Бухоро давлат университети магистранти

Тарихда ислом тарихи билан боғлиқ асарлар турли шарқ ашломалари томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилиб, турли номдор хаттотлар томонидан кўл ёзма усулида қўчирилиб, кейинги даврларда эса тошбосма усулларида чоп этилиб ҳозирга қадар бизгача

етиб келган.

Манашундай асарлардан бири “Сийрат” яъни Расулulloҳ с.а.в. нинг таржман ҳоллари, у кишининг юриш-туришлари, гузал хулқлари, умуман олганда у кишининг ҳаёт йўллари ва ислом тарихига бағишланган тарихий маълумотларни ўзида акс эттирган диний-тарихий асарлардан “Маъориж ан-нубувва фил мадориж ал-футувва” асаридир.

Ушбу номли асарлар гарчи мазмунан бир хил бўлсада, турли даврларда турфа олимлар ва хаттотлар томонидан ўзгача номлар билан аталиб кўчирилган. Мисол учун “Маъориж ан- нубувва фил мадориж ал-футувва”, “Сийрат аш-шариф”, “Сийрат ар- Расул” ва “Сияри Мулло Муъин” каби номлар шулар жумласидандир.

Ушбу илмий мақолада ҳозирги кунда Бухоро давлат музей-кўрикхона хузуридаги “Хужжатлар” фондида сақланаётган олтига кўлзма ва бешта тошбоёсма жами 11 та юқорида тилга олинган ислом тарихи ва Расулulloҳ (с.а.в) нинг ҳаёт йўллари еритилган сийрат китоблари қиёсланди.

Қиёсланган манбалар орасидан Шайбоний Убайдуллоҳон ҳукумдорлиги даврида бухорода яшаган ва зиё маскани бўлмиш “Мир Араб” мадрасасини барпо этган, тасаввуф аҳлларидан бири бўлган Абдуллоҳ Яманий (Мир Араб) нинг ўғли Мир Моҳ бин Мир Араб томонидан 1018-1019х (1609-1610йй) саналарда Самарқандда кўчирилган “Сияри Мулло Муъин” номли асар шу номли бошқа нусхалардан узининг қадимийлиги, мукаммаллиги ва ниҳоятда гузал унвонлари, безаклари билан ажралиб туриши боис илмий мақола учун асосий манба сифатида таллаб олинди.

Юқоридаги 11 та китоблар билан қиёсланганда китобларнинг баъзиларида биринчи ва иккинчи рукнлари кўчирилган бўлса, баъзи бир кўлзма нусхаларида учинчи ва тўртинчи рукнлари кўчирилган ҳолос яъни тўлиқ эмас. Айрим тўлиқ нусхалари эса безаксиз, оддийроқ усулда кўчирилган.

Ушбу “Сияри Мулло Муъин” номли ислом тарихига оид китобнинг муаллифи Мулло Муъин бин ал-Ҳож Муҳаммад ал-Фароҳий (баъзи манбаларда муаллиф номидан сўнг ал-Ҳиравий, айримларида эса ал-Кошнфий исмбалари қўшимча қилинади) дир.

Агар ушбу тарихий манбага диққат билан назар ташланса, Мулло Муъин узининг “Сияри Мулло Муъин” номли асарини ислом тарихига доир бошқа номли манбалардан фарқ қилувчи жумлалар билан бошлаганлигини гувоҳи буламиз. “Сияри Мулло Муъин” номли асарнинг аввалидаги илк унвонли варағи “Роббана атина мин ладунка раҳматан ва хаййин лана мин амрипа раида” яъни Қуръони Каримдаги Каҳф сурасининг 10- ояти: “Қайсики, йиғитлар ёрға панох истаб боришиб: “Эй, Раббимиз! бизларга ўз хузуригдан раҳмат ато этгин ва бизларнинг ишнмизни ўзинг тўғрилагин!”-дедилар! мазмунидаги ояти карима билан бошланган. Муаллифнинг сўз бошини бундай тарзда бошлаши уни бошқа муаллифлардан ўзгача услуб билан ендошинини кўрсатади. Чунки кўпгина китоб муаллифлари сўз бошлаганда Аллоҳга ҳамду-сано сўнг Расулulloҳга дуруд ва саловотдан сўнг асосий мақсадга ўтмишган. Ушбу манбада эса аввало юқоридагидек тарихга назар ташлаб, сўнг Аллоҳдан ўз ишларига ердан беришини тилаб қуръоний дуолар қилиш билан бошлаганлар, ундан сўнг ҳамду сано билан давом этган.

Китобнинг 6 а варағидан “Муқаддима” қисми бошланган. Ҳар бир мажлисда ҳамду сано, Аллоҳга муножотлар, Расулulloҳ с.а.в. нинг юриш-туриш, манокиблари, хулқ-атворлари, энг мукаммал таҳийёту саломлар, у зотнинг фазилатлари ва хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган

Ушбу китоб бир муқаддима, 4 рукн ва бир хотимадан ташкил топган. У 34 боб 133 фаслдан иборат. (I-рукида 8 боб 59 фасл, II-рукида 7 боб 18 фасл, III-рукида 5 боб, 36 фасл, IV-рукида 12 боб, 20 фасл жами тўрт рукида 32 боб хотима қисмидаги 2 боб билан эса 34 боб ва 133фаслдир). Китобнинг ҳажми жами 487 варақ (974 саҳифа) дир.

Китобнинг муқаддима қисмининг ўзи V фаслдан иборат унинг I- фаслида 12 та таҳмид яъни Аллоҳга ҳамду-сано йўллаш фасли мавжуд. Кейинги II- фасли Аллоҳга

¹ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири (қайта ишланган 2- нашри). Шайх Абдуллатиф Мансур “Тошкент Ислам университети” нашриёт. матбаа бирлашмаси. Тошкент 2007. Б 294

муножот қилиш фаслидир. Ушбу муножотлар ҳам 12 фаслга ажратилган. Кейинги III-фаслда Расулulloх (с.а.в.) нинг 12 та наъат (сифат) лари, маюкиб, зоту-сифатлари ҳақида маълумотлар берилган. IV-фаслда Расулulloх (с.а.в.) нинг хусусиятлари, фазилалари ҳақида маълумотлар берилди. Бу фаслда иккита мақола мавжуд бўлиб, унинг биринчисида Расулulloх (с.а.в.) нинг хусусиятлари ҳақида маълумот берилди. Иккинчи мақолада эса Расулulloх (с.а.в.) нинг фазилатлари ҳақида маълумотлар берилди. V- фаслда Расулulloх (с.а.в.) га саловоту-саломлар, муножотлар, у зотнинг олий сифатларини эътироф этиб мақтовли сўзлар айтишнинг фазилати ва савоби ҳақида маълумотлар берилган.

Ушбу қўлёзма нусха шу номли бошқа сийрат китоблари билан солиштириб кўрилганда улар орасидаги тафовутни яққол гувоҳи бўлиш мумкин.

Сўзимизнинг исботи сифатида Муҳаммад Расул Хужа ўғли Мулло Гулом Расул Хужанинг саъйи ва маблағи билан 1330х/1912 йида Тошкентнинг “Гуломия” матбаасида тошбосма усулида чоп этилган “Сияри шарифи туркий” нусхаси мисолида кўришимиз мумкин. Мир Моҳ бин Мир Араб томонидан кўчирилган қўлёзма нусхада мавжуд бўлган баъзи қисмлар (маълумотлар) ушбу тошбосма нусхада учрамаслиги тошбосма нусханинг аввалги саҳифаларидаги қуйида келадиган маълумотларда ақс этган. Унда ёзилишича: Мукаддима билмакким, “Сияр” фанининг мусаннифлари, ҳазрати Хужа каянайи (с.а.в.) нинг туғилган вақтларидан аломатлари билан вафотлари замониғача бўлган воқеалари зикрида китоб тасниф қилиб, уни 12 мажлисга тартиб бериб мажолиси милодийга ном қўйибдилар. Туғилган ой куни рабиъул аввал ойи вафотлари ҳам машҳур ривоятлар билан шу ойнинг 12 сидур. Бу ойни моҳи милодия ва қунларини айёми милодия атарлар. Ва Мулло Муъин бу китобнинг мукаддимасида 5 фасл келтирибдурлар. 3 фасл ҳамду-сано, муножот ва наъат этибдилар. Ҳар қайси фаслни 12 ададга етқизибдурлар тоқим адади улўғларнинг 12 мажлисига мувофиқ бўлсин деб. Бу туркий “Маъорижун-нубувват”да ул ададни лозим кўрмадик. Чунки ҳамд ва муножот ва наъат ададга мухтасар эмас (яъни сонга қисқартирилмайди-у чексиздир). Ва яна Ҳазрати Салтанатнаоҳ (с.а.в.) ишоратлари ҳам бунга эрди. Бу жиҳатдан мукаддимани икки фасл қилдик ва бир фаслда ҳамд, муножот ва наъатни зикр қилдик ва яна бирини дуруднинг савоби ва фазилати баёнига таъйин қилдик.



Сияри Мулло Муъин номли биз ўрганаётган қўлёзма нусханинг мукаддима қисми тугаганидан сўнг унинг асосий қисми бошланади. Китобнинг I- қисми 73 б. варағидан бошланиб, 165 а. варағидан якуни топади. Унда Муҳаммад (с.а.в.) қисмидаги яратилишидан то Расулulloх (с.а.в.) нинг туғилишларигача бўлган даврдаги воқеалар ҳақида маълумотлар берилган. Ушбу қисм 8 бобни ўз ичига олади.

Китобнинг II- қисми 166 а. варағидан бошланиб, 212 б. варағида тугайди. Унда Расулulloх (с.а.в.) таваллудларидан то ваҳий нозил бўлунича (40 ёшларигача) даврларни ўз ичига олувчи далиллар, гувоҳликлар, воқеалар баёни ҳақида маълумотлар берилди. Ушбу қисм 7 бобдан иборат.

III- қисми 213 б. варағидан бошланиб, 314 б. варағида тугайди. Унда 40 ёшларидан то Маккадан Мадинага хижрат қилгунарига қадар бўлган даврлардаги воқеалар ҳақида маълумотлар берилган. Ушбу қисмда 5 та боб мавжуд.

IV – қисми 315 б. варағидан бошланиб, 360 б. варағида тугайди. Бу қисмда Расулulloх (с.а.в.) нинг Маккадан Мадинага хижрат қилишларидан то вафот этгунарига қадар даврлардаги воқеалар, ривоятлар ақс этган. Ушбу қисмда 12 та боб мавжуд.

Китобнинг 361 б. варағидан хотима қисми бошланиб, унда Расулulloх (с.а.в.) нинг мўъжизалари баён қилинган. Хотима қисмининг биринчи боби “Ақлий мўъжизалар”, иккинчи боби “Ҳиссий мўъжизалар” ҳақидадир. Маъқула икки боб ҳам яна уч фаслга бўлиниб, уларнинг I – фасли “Зотий мўъжизалари”, II – фасли “Сифот мўъжизалари” ва III – фасли эса

“Хорижий мўжизалар” дир. Китобнинг хотима қисми 487- варағида тугайди.

Китобнинг асосий қисмидаги матилари қора сиёҳда кўчирилган бўлсада, аммо аввалидаги дуо қисми, назм-шеър, ғазал, ҳикоя, ривоятлар, Расулulloх (с.а.н) нинг мўжизалари ҳақидаги сарлавҳа қисмлари кизил сиёҳ билан ажратилиб кўчирилган.

Китобнинг 1 б ва 2 а варақларида ниҳоятда юксак бадний саъят билан безак берилган унвонлари мавжуд.(қарағ 2-расм).



Китобдаги асосий қисминн ташкил этган матилар кўк, қора ва тилло рангли рамкалар билан чегараланган. Баъзи варақларда рамкадан ташқари хошия қисми мавжуд бўлсада, аммо хошия ёзилмаган.

2-расм

Китобнинг 1 б ва 2 а варақларида 11 қатордан кўчирилган. Ҳар бир руқнда алоҳида-алоҳида унвонлари мавжуд бўлиб, мазкур унвонли қисмларда матнлар 19 қаторда кўчирилган. Китобнинг асосий қисмларида эса матилар 27 қатордан кўчирилган. Руқнлар, боблар, фасллар, ва ҳар бир мавзунинг сарлавҳалари, ҳикоялар, ривоятлар ва воқеаларнинг сарлавҳалари

кизил сиёҳда кўчирилган. Китобнинг хотима қисмининг қолофонида эса 16 қатор матн кўчирилган. Матнлар қора, кўк, жигар ва тилло ранглар уйғунлигидаги чизиклар билан чегараланган. Ҳар бир варақнинг умумий эни 25X39см, рамка ичидаги матн кўчирилган қисми эса 14,5X 25,5см. Рамканинг хошия қисмида шарҳ-ишҳлар ёзилмаган.

Китобнинг деярли барча варақларида турли ҳажмларда (қатта ва кичик) тешикчалари кўзга ташланади. Китобнинг ҳар бир варағида пойғири мавжуд. Унинг баъзи варақларида сарик, қора доғлар, қирланлишлар, матнлардаги сиёҳларнинг ёйилиши қабил нуксонлари ҳам кўзга ташланади. Китобнинг баъзи жойлари (охирги 482-487 варақлари) таъмирланган.

Биз Сийрат китобларини урганишимиз асосида кўпгина қўлёзма манбаларнинг охирги қолофон қисмларида турли моҳир хаттотлар томонидан тарқи уларнинг даражалари, илмий салоҳиятлари юксак бўлсада, ўзларини Аллоҳнинг ҳузурини ҳақир-тубан бир банди санаб ҳоксорлик билан ўзларни кўчираётган қўлёзмаларни тугатиб қўйганликларини гувоҳи бўлдики. Бу ҳам албатта, аجدодларимизнинг қанчалик даражада, маърифатли, маданиятли, ўз динига, миллатига содиқ эллар эканликлари билан даража беради. Баъзи сийрат китобларининг қолофон қисмида кўчирилган аجدодларимизнинг ҳоксорлик билан ёзган фикрларидан намуналар келтирамиз:

“Сияри Мулло Муъин” асарининг юқорида зикр қилинган нусхасининг 487 б варағидаги энг охирги қолофон қисмида хаттот Мир Моҳ бин Мир Араб томонидан қуйидаги жумлалар ифодаланган: Ушбу “Сияри Мулло Муъин” номли китоб Оламлар



Парвардигори Ҳақ Субҳонахува Таолонинг тавфиқи билан банди ҳақир (тубан банди) Мир Моҳ бин Мир Араб бародарзодан Мир Куланки қотиби Бухорий қўли билан 1019 хижрий сананинг жумодул аввал ойида (1610й) кўчириб ниҳоятга етказилди. Парвардигор айтувчини (яъни муаллифни), уни ўқувчи кишини, кўчирган кишини, ота-оналарни ва устозларни ўзинг гуноҳларини кечир! Омин Раббул оламин.(3-расмга қарағ).

Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхона маркази шарк қўлёзмалари фондида сақланаётган “Сияри Мулло Муъин” номи асарнинг колофон қисмида куйидаги жумлалар битилган: Холдан тойган, мадорсиз, аммо Аллоҳнинг раҳматидан умидвор банда осмону-фалак остида у каби гуноҳкор банда бўлмаган, гуноҳлари ёмғир томчиларидек жуда кўп бўлган банда Мулло Мирзо Абдулваҳҳоб ўғли Мулло Абдурасул қори Бухорий айтиди: Мен Шайхул Имом, Ислому ашломалари пенкалами Мавлоно Муъиннинг “Сияри шариф” номи ушбу муборак нусхасини Мукаддас шаҳар Бухорон Шарифининг Жўйбор мадрасасида 1311х/1894 йилда қўчирдим.(4-расмга қаранг)

4-расм

Биз фойдаланган баъзи манбаларнинг охириги варагидаги колофон қисмида юқоридагидек маълумотлар қўчирилган бўлса, баъзиларида: “Мавлоно Муъиннинг Маъорижун нубувват номи ушбу нусхаи шарифаси бандаларининг ўнг ҳақирн-тубани Умар Боқининг қўли билан қўчирилди” ёки “Нурмуҳаммад ибн Шодмон қўли билан 1253х/1837 йилда қўчирилди” деб қим томонидан ёки қачон қўчирилгани маълумоти ёзилган.



Биз қиссалаган қўлёзма манбаларининг баъзисини колофон қисми сақлаб қолинмаганиниги сабабни қим томонидан, қачон, қерда қўчирилгани маълумоти мавжуд эмас. Аммо китобнинг деярли барча варақларида 1,5Х2 см ҳажмдаги овалсимон эгалик муҳрлари кўзга ташланади. Муҳрнинг ичида: “Муҳаммад Боқи ибн Мулло Жомий 1041х (1632й)” жумла ва рақамлар ёзилган. Бундан икки нарсани илмий тахмин қилиш мумкин:

1. Ушбу китоб Муҳаммад Боқи ибн Мулло Жомий томонидан 1041/1632 йилда қўчирилганини.

2. Ушбу нусха мазкур Муҳаммад Боқи ибн Мулло Жомийнинг шахсий мулки сифатида унинг кутубхонасида сақланганлигидан дарак беради.

Биз сийрат китобларини илмий ўрганиш асносида аждодларимизни ўнг қўл билан қилинган хайрли ишни чап қўл билмасин мазмунидаги ривдан сақланиш мақсадида бошқа хаттотлардан фарқин ўларок ўзлари қўчирган китобларининг охирида ўз номларини ёзиб қўймай, балки куйидаги жумлалар билан якунлаганликларини ҳам гувоҳи бўлди: Бу китобни ёдгорлик сифатида қораладим. Хар қим бу китобни ўқиса, мен у кишидан дуо умид қилиб қоламан, чунки, мен гуноҳкор бандаман” жумлалари ёзилган.

Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, юқорида тилга олинган сийрат китобларини ўрганиш орқати Аллох Таоло бутун мусулмон умматига намуна қилиб юборган Расулulloх (с.а.в) нинг одоб-ахлоқлари, юриш-туришлари, ҳастий йўллари каби ислон тарихи ва маданиятига онд маълумотлардан хабардор бўлиб, келажакда ўз ҳастимизда учрайдиган қийинчилик, машаққатларни сабру-матонат билан енгиб, мақсадга эришишда олға қадам қўйишга ва ҳеч қачон хайрли мақсадлар йўлидан чекинмасликка ундайдиган, умуман олганда одоб ахлоқ нормаларини англаб ҳаётда ўз ўрнини топишда ёрдам берувчи манба сифатида хизмат қилади деган умиддамиз.

Ушбу муътабар манбалар ўз илмий тадқиқотчиларини қутмоқда. Бундай тарихий ёзма мерослар ҳозирги кундаги ислон тарихи билан боғлиқ факультет талабалари, олий мадраса талабалари томонидан ўрганилиб, келажак авлодга етказилса, биз ўйлаймизки, аввало улар аждодлари тарихидан хабардор бўлиб, унн келгуси авлодга етказишда хизматлари қатта бўлади ва бу билан аждодлари олдидаги масъулиятли вазифаларини бироз бўлсада бажарган бўладилар.